



# ТОШКЕНТ О'QUJOMI

**XХI аср** | **садоқи**  
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 47 (9.697) 2002 йил 24 апрель, чоршанба Сотувда эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### КЎРГАЗМАЛАР

## «Соғлиқни сақлаш — 2002»



**КЕЧА**  
Шахримиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Соғлиқни сақлаш — 2002» VII халқаро кўргазмаси ўз ишнини бошлади.

Британиянинг «ITE Group Plc» компанияси ва унинг ўрта Осиёдаги ҳамкори — «ITESA — Osiyo» компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Тибмаҳсулот» акционерлик жамиятининг қўллаб-қувватлаши остида ташкил этилган мазкур кўргазмада АКШ, Германия, Финляндия, Швейцария, Франция, Туркия, Россия каби мамлакатларнинг ўттиздан ортиқ етакчи компания ва фирмалари технология, фармакология, тиббиёт техникаси, стоматология соҳасидаги энг янги ютуқларини намойиш этишмоқда. Шу тариха юртимиз соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ва тадбиркорлар учун замонавий технологиялар ҳамда анжомлар билан танишиш, уларни харид қилиш, етакчи ишлаб чиқарувчилар билан шартномалар тузиш борасида кенг имкониятлар очилади.

Кўргазмага ташриф буюрувчилар айниқса Германиянинг машур компаниялари — эндоскопик ва кулоқ, томоқ, бурун касалликларини даволашда ишлатиладиган анжомларни ишлаб чиқаришда жаҳон миқёсида етакчилардан бўлмиш «Карл Шторц» ҳамда чакалоқлар саломатлигини таъминлаш борасида юқори сифатли ускуналарни ишлаб чиқарувчи «Draeger Medical» компанияси тиббий анжомлари айниқса катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хорижий мамлакатларнинг таниқли фирмалари билан бир қаторда кўргазмадан юртимизда фаолият кўрсатаётган тиббиёт маҳсулотлари ва дори-дармонларни ишлаб чиқарувчи «Gentex-Servis» МЧЖ, «Кетгут-Силк» қўшма корхонаси, «KRONOSDA» хусусий фирмаси каби ундан ортиқ корхоналарнинг маҳсулотлари ҳам ўрин олган. Бу албатта ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилишида муҳим омилдир.

«Соғлиқни сақлаш — 2002» иختисослашган халқаро кўргазмаси Республикаимиз соғлиқни сақлаш тизими ходимлари учун бу соҳадаги охириги ютуқлар ва энг янги технологиялар билан танишиш имкониятини бермоқда. — дейди «ITESA - Osiyo» компаниясининг менежери Нигора Ҳасанова. — Бу



Тиббиёт анжомларини ишлаб чиқариш соҳасида етакчи компаниялар билан амалий алоқаларни ўрнатиш, аҳоли соғлиқини сақлаш бўйича устувор дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилишидаги муҳим қадамлардир. «Соғлиқни сақлаш — 2002» халқаро кўргазмаси 25 апрелга қадар давом этади. (Ўз мухбиримиз)

**СУРАТЛАРДА:** «Соғлиқни сақлаш — 2002» кўргазмасидан лавҳалар. Сергей Любич олган суратлар.

## Оммавий спорт байрами

**БУГУН**

Фарғона шаҳридаги марказий стадионда ўрта мактаблар ўқувчилари ўртасида илк бор ўтказилган «Умид ниҳоллари» Республика мусобақалари тантанали равишда очилади.

Спортга ошно энг кучли мактаб ўқувчиларининг мусобақасини ўтказишга Фарғона вилояти катта тайёргарлик қўрди. Жумладан, Фарғона, Марғилон, Тошлоқ, Қирғули шаҳарларининг спорт майдончалари таъмирланди, янги иншоотлар қурилди. Бир сўз билан айтганда бутун Фарғона вилояти байрам кайфиятида мусобақаларнинг очилишини сабрсизлик билан кутмоқда.

Юртбошимизнинг ташаббуслари билан ўтказилган мазкур тадбир ёшларни соғлом, ҳар томонлама баркамол қилиб воғга етказиш, иқтидорли спортчиларни танлаш ва тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, кичик

**БУГУН**

олимпиада макomini олган ушбу беллашувлар ёшлар учун ўз имкониятларини намоён этадиган майдон бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Тошкент вилоятининг Паркент шаҳридаги «Куёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида 2600 иссиқлик хароратида ёқилган мусобақа машаласи энг иқтидорли, соғлом ва чопкир ўқувчилар воситасида Паркент — Янгибозор — Ўртасарой — Охангарон—Нуробод—Ангрен—Қамчиқ довои — Данғара — Қўқон—Учқўприк—Янгиқўрғон—Богод—Ҳамза—Фарғона йўналиши орқали кизикарли беллашувлар ўтказиладиган стадионга келтирилди.

**БУГУН**

соат ўн тўққизда 10 мингга яқин ёшлар — спортчилар, санъаткорларнинг чиройли чиқишлари, бадий дастурдан сўнг «Умид ниҳоллари» — 2002 мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади.

Уйлаимизки, рамзий кичик олимпиада машаласи республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган юқори синфлар ўқувчилари билан бир қаторда мусобақаларга пухта тайёргарлик қўрган 137 нафар ҳамшаҳарларимиз учун ҳам муваффақият келтириб, ҳаётларидаги илк рекордларни ўрнатишлари учун муҳим омил вазифасини ўтади.

Спортнинг энг оммабоп ўн битта тури бўйича ўтказилган «Умид ниҳоллари» мусобақалари 30 апрелга қадар давом этади. Ғолиблар олим, кумуш, бронза нишонлари, дипломлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. (Ўз мухбиримиз)

### ТАДҚИҚОТ

## ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Кимё санъати технологиясининг ривожланиши туфайли целлюлоза маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараянлари ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. Бундай техник тадбирлар натижасида янги хил целлюлозалар ҳосил қилишининг илғор усуллари юзага келди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг полимерлар кимёси ва физикаси институти олимларининг бу борадаги изланишлари айниқса самарали бўлмоқда. Чунинчи, микрористалли целлюлозалар асосида яратилаётган маҳсулотлар ҳам халқ ҳужалиғида муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, микрористалли целлюлозалар асосида гидрогел хос-

саларини тадқиқ этиш ўз ижтимоий натижасини бермоқда. Институтининг бир гуруҳ олимлари эса микрористалли целлюлоза ва трихлорфос асосида ўзаро алоқадорлик тизими бўйича самарали изланишларини амалга оширдилар. Пахта целлюлозасини физик-кимёвий баҳолаш жараянини тадқиқ этишга доир тадқиқотлар ҳам олиб борилди.

Целлюлозалар ацетофосфатининг сувли эритмасини ҳосил қилиш жараянлари ҳам ўрганилди. Полимерчи ёш олимларнинг бу каби ютуқлари Ўзбекистон Фанлар академиясининг усимлик моддалари кимёси институтида ўтказилган иқтидорли тадқиқотчилар анжуманида яхши баҳо олди. (Ўз мухбиримиз)

### АНЖУМАНЛАР

## ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

**КЕЧА**

Ўзбекистон миллий университети маданият саройида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Марказий Кенгаши, Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб-чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Фан ва таълим ходимлари касба-бу уюшмаси марказий кўмитаси ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети ҳамкорлигида ўтказилаётган Республика Олий ўқув юрлари талабалар театр студияси «Ниҳол-2002» санъат фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўтказилаётган фестивалнинг моҳияти олий ўқув юрлари театр жамоалари тайёрлаб келган сахна кўри-нишлари орқали Ватанга

муҳаббат, ёш авлоднинг тарбиясидаги маънавий мукамаллик, она, аёл муқаддаслиги, илм-фанга, тарихимизга ҳурмат эҳтиром ва бо-

шқа маънавий кадриятларимизни тараннум этишдан иборат. Фестиваль давомида иштирокчилар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига ҳамда Абдор Ҳудоязов номи драма театри ва Ўзбекистон Миллий театри спектаклларига ташриф буюрадилар. Шунингдек, жамоалар фестивал дастуридан ўрин олган дўстлик кечаси ҳамда Талабалар шаҳарчасида ўтказиладиган жума оқшони тадбирида ҳам катнашади. **ОРЗУГҮЛ РУСТАМОВА**

### ҚИСҚА СУРАТДА

**ҚАРИЯЛАРНИ** кадрлаш йили муносабати билан Шайхонтоҳур туманидаги Хувайдо, Собир Раҳимов туманидаги «Чигатой Оқтепаси» ва Чустий номи маҳаллаларда фахрийлар иштирокида тадбирлар ўтказилди. Уларда фахрийларга туманлар ҳокимликлари, маҳаллалар оксколлари томонидан совғалар инъом этилди.

**ШУНИНГДЕК,** Ўзбек

миллий академик театрида Тошкент педагогика коллежи талабалари иштирокида уюштирилган хайрия тадбири ҳам Қарияларни кадрлаш йилига бағишланди. Унда иштирок этган коллежнинг фахрий ўқувчиларига совғалар топширилди. Тадбир сўнггида эса йиғилганларга талабалар қўли билан яратилган амалий санъат асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

**МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида талабалар ва ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган анжуманда ёшлар

онгига миллий истиқлол ғоясини синдиришда тарғиботнинг роли ҳақида атрофлича фикр юритилди. **РЕСПУБЛИКА** Байналмилал маданият марказида ўтказилган конференция «Миллатларо ҳамжихатлик, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни» деб номланди. **ЯҚИНДА** фойдаланишга топширилган Республика шош-муш тез тиббий ёрдам илмий марказининг иккинчи қава-тида диагностика текширув бўлими фаолият бошлади.

## БАҲОРГИ ЧАҚИРИК

## МУҚАДДАС БУРЧ

Ўлкаимизда фасллар келинчаги баҳорнинг илик ва фарахбахш нафаси кезиб келганда муқаддас бурчларнинг уташ учун хизматга овланишида. Жумладан, Тошкент шаҳар чақирик пункти эрта тонгданок хизматга овланган бўлгани посбонлари уларнинг ота-оналари билан гавжум бўлди.

...Ҳарбий оркестр садолари янграйди. Бўлғуси юрт посбонлари биринчи марта чуқур ҳаяжон билан саф тортиб майдонга кириб келдилар.

Шахримизнинг барча туманларидан қақирилган, айниқса мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотда ўқиб, радиотелеграфчи, алоқачи, хайдовчи касбларини пухта ўрганган йигитларни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Рустам Қурбонов, Рихситилла Ақромов, Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармасининг бошлиғи Анатолий Сильченко, Қуролли кучларимиз фахрийлари ва бир гуруҳ ота-оналар қизгин қўллашди. Улар она юрт сарҳадларини қўриқлашга овланган ўғлонларга

улуғ бобокалонларимизнинг муносиб издошлари бўлишга, мард, жасур, ҳар қандай ҳолатда ҳам ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлигини қўриқлай оладиган жасур йигитлар қаторидан ўрин

олишларига ишонч билдириб, хизматга омад, ой бориб омон қайтишларини тиладилар. Барча чақирилувчиларга шаҳар ва туманлар мудофаа бўлиmlари томонидан хиз-

матда керак бўладиган совғалар топширилди. — Мен Қуролли кучлар сафига хизмат бурчимни уташ учун отланганимдан мамнунман, — дейди биз билан суҳбатда Ақмал Иқомов тумани, Ш. Рашидов маҳалласидан Мурод Арипов. — Ниятим, юртимиз тинч бўлсин. Юртни қўриқлаш, оқсоқилларини сақлашда ўзимнинг бор маҳорату билимларимни Ватан тинчилиги йўлида сарфлашга тайёрман.

Худди шу каби нияти Сергейи тумани, Чоштепа маҳалласидан қақирилган Олим Умаров, Қўйлик даҳасилик Дилмурод Утаулиев, Шай-

хонтоҳур тумани Ибн Сино мавзесидан ҳарбий хизматга қақирилган Жамолiddин Назирхонов, Ақмал Иқомов туманилик Иззатилла Сотиболдиев, Сергейи туманилик Алишер Норматовлар ҳам билдиришди. Шу кунги ўз фарзандлари, яқинларининг Ватан олдидаги муқаддас бурчларини ўташга овланганидан кўнглилари фаҳрга тўлган ота-оналари меҳрибон жигарлар — тоға-у амакиларни қўрди. Улардан айримларининг дил сўзларини қўрғога туширдик. **МУҲАРРАМ ИБОДОВА:** — Илоҳим юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.



Мен бугун хизматга иккинчи ўғлимни кузатишман. Кунги кеча катта ўғлимни қўлиб олдим. Кичик сержант бўлиб хизмат қилган ўғлим, йигит киши хизматга албатта бориши кераклигини, қўллаб ёшлар орттиргани, ота-она қадрига етишни ўрганганини гапириб берди. Мен унга барча сарфдошлари, ўртоқлари қаторида соғ-омон хизматини ўтаб, юзи ёру бўлиб бағримизга қайтишини тиладим. **ИНОАТ НУРМУҲАМЕДОВА:** — Ўғлим Рустамнинг кўп қатори юрт хомюсига овланганидан оналик қалбим фаҳрга тўлди. Оллоҳга шукр, мустақил юртимизда тинчлик ҳукмрон. Илоҳим мана шундай дорилором кунлар боқий бўлсин, сафарга овланган барча фарзандларимиз ўз хизмат бурчларини шараф билан ўтаб, бағримизга соғ-омон қайтсинлар.

Ой бориб омон қайтинг, сафарингиз бехатар бўлсин, азиз ўғлонлар! **ШОИРА МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА:** Ватан олдидаги ўз йигитлик бурчларини баҳаришга овланган ўғлонлар. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

## Жаҳонда

● Францияда бўлиб ўтган Президент сайлови кутилмаган натижа берди. Сайловнинг бу босқичида амалдаги Президент Жак Ширак 19,41, ултраўн ашаддий миллатчи Жак Мари Ле Пен 17,19 фойза овоз олишиб, шу йилнинг 5 майида ўтказиладиган сайловнинг иккинчи даврасида қатнашадиган бўлдилар.

● Эрон Президенти Саид Муҳаммад Хотамий Ашхободга ташриф буюриб Туркменистон Президенти Сапармурод Ниёзов билан нефть ва газга таалуқли масалаларни муҳокама қилди. Шунингдек у кеча бу ерда очилган Каспий бўйи беш давлат бошлиқларининг саммитида ҳам иштирок этади.

● Исроил билан Фаластин ўртасидаги қуролли тўқнашувларда бир қадар ўзгаришлар рўй бермоқда. Исроил ўзининг ҳарбий техникаларини Наблус, Вифлеем, Рамоллоҳ шаҳарларидан олиб чиқиб кетди. Бироқ Женин шаҳрида рўй берган отишмалар натижасида фаластинликлардан кўпчилик қурбон бўлди.

● Афғонистон халқининг кўпчилиги бир неча йил ҳукм сурган «Толибон»чиларнинг бедодлигидан қатор мамлакатларга беш олиб чиқиб кетишга мажбур бўлган эдилар. Улар Эрон, Покистон, Ҳиндистон ҳамда МДҲ давлатларига чегарадош ҳудудлардан ўз ватанларига қайта бошладилар.

● Европа комиссияси «кибержиноятчилик»ка қарши қонун лойиҳасини маъқуллади. Эндиликда янги қонунга қўра, компьютер тизимларидаги жиноятчилик, шу жумладан, компьютер вирусларини тарқатувчилар 4 йилга озодлиқдан маҳрум этиладилар.

● АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари Афғонистоннинг айрим ҳудудларини янглиш бомбардимон қилиши натижасида яралган Канада армияси ҳарбий хизматчиларидан олти нафари Германиянинг жанубий-шарқидagi шифохонага келтирилди. АҚШ Президенти Жорж Буш бундан қайғуда эканлигини билдириб, Канада бош вазир Жон Кретьенга ҳамдардлик изҳор этди.

● Sinhua ахборот агентлигининг хабар беришича, Хитой ҳукумати мамлакатга Голландиядан гўшт маҳсулотлари импортини тақиқлади. Хитой вакиллари-нинг маълум қилишларича, мартнинг охирида Цзянси вилоятининг карантин комиссияси Голландиядан Хитойга келтирилган қолбаса маҳсулотлари пўстида хлорамфеникол борлигини аниқлаган.

# ИЖТИМОЙ ХИМОЯ

Тошкент шаҳар касба уюшмалари Кенгашининг саҳифаси

Қарияларни кадрлаш йили муносабати билан Тошкент шаҳар касба уюшмалари Кенгашида қандай тадбирлар режалаштирилган, кексаларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар нимага айланди? Пойтахт касба уюшмалари Кенгашининг раиси Мирзохид Содиқов бу борада ҳаётга татбиқ этиладиган ишлар ҳусусида жамоатчи муҳбиримиз Улуғбек Пўлатовга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Меҳнат аҳли ва фахримиз бўлган уруш ҳамда меҳнат фахрийлари кексалик шаҳтини суриб, турмушлари янада фаровон бўлишлари учун уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатиш шаҳар касба уюшмалари Кенгаши фаолиятининг доимий диққат марказидадир.

«2002 — Қарияларни кадрлаш йили» давлат дастурини амалга ошириш мақсадида шаҳар касба уюшмалари Кенгашининг тадбирлари ишлаб чиқилиб, раёсатда тасдиқланган.

Уларга биноан корхона ва ташкилотларнинг моддий имкониятларидан келиб чиқиб, жамоат шартномалари шартларига қатор қўшимча имтиёзларни киритиш кўзда тутилган. Меҳнат қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларда қайд этилган нормативлардан ташқари меҳнат қилаётган пенсионерларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар бериш, уларга йиллик таътил берилганда соғлиқларини тиклашлари учун ойлик маоши миқдорига моддий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, умумхалқ ва касб байрамлари муносабати билан тақдирлаб бериш, корхонада кўп йиллар меҳнат қилиб пенсияга чиққан ёлғиз пенсионерларни рўйхатга олиб, уларга корхона томонидан ғамхўрлик қилиш, корхоналарда ходимлар сони ёки ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда пенсия ёшига яқин қолган ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериш каби юмушлар шулар жумласидан бўлиб, қарияларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Кексаларни соғломлаштириш ва дам олдирганини ташкил этиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш шаҳар Кенгаши фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Меҳнат жамоалари ва ўқув юрларида меҳнат қилаётган пенсионерларга 20 фоизли имтиёз билан касба уюшмалари ва корхоналар тасарруфидида санаторийларга, дам олиш уйлари ва пансионатларга, санаторий-профилакторийларга 1200 донга йўлланма ажратиш, В. Митрофанов но-

мидаги спорт-соғломлаштириш гуруҳларида меҳнат жамоалари ва ўқув юрларида ишлаётган пенсионерлардан 300 нафарини 10 фоизли имтиёзли йўлланмалар билан таъминлаш, меҳнат жамоалари ва ўқув юрларида ишлаётган пенсионерларга моддий ёрдам кўрсатиш каби кўплаб тадбирлар, хайрли ишларни амалга ошириш учун 65 миллион сўм миқдоридида маблағларни сарф-харажат қилиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари қарияларни кадрлаш, уларни эъзозлаш мақсадида талайгина маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилган. Пойтахтдаги Нуронийлар оромгоҳида ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийсидаги кексаларимизга умумхалқ байрамлари кунларида бадий жамоаларнинг чиқишларини ташкил этиш, корхона ва ташкилотларда маъмурият билан ҳамкорликда авлодлар учрашувини ўтказиш, маънавият ва маърифат хоналарида уруш ва меҳнат фахрийлари бурчаларини ташкил этиш режалаштирилган. Қарияларга, мўтабар оналаримизга ҳурмат-эҳтиром, иззат-икром кўрсатиш, болаларга ғамхўрлик қилиш каби аъёнлар ёшлар ўртасида кенг тарғиб этилади.

Янги оила қуриш, ёш оилаларнинг узоқ йиллар бахтли умр кечириши омилини мавзуларида ёшлар ўртасида учрашувлар ўтказиш ва ушбу тадбирларга пири бадавлат ота-оналар, табаррук онахонларни жалб этишга алоҳида аҳамият берилади. Ёшлар ўртасида халқ ўйинлари ва мумтоз кўшиқлар байрамлари, бадий санъат асарларининг кўргазмаларини ташкил этиш орқали бой ва боқий маданий меросимизга нисбатан келажак авлоднинг меҳр-муҳаббати янада кучайиши, ўтмишга чўқур ҳурмат, эртанги кунимизга юксак ишонч ҳисларини янада камол топиши шўҳасидир. Халқимизнинг табиғатида ҳос бўлган бундай савобли ишлар йил мобайнида амалга оширилади.

Бундан ташқари умумхалқ байрамларига тайёргарлик қилиш ва ўтказиш тадбирларига меҳнат фахрийлари, фан ва маданият арбоблари, спорт усталарини кенг жалб этиш, «Хунармандлар оиласи» ширини остида халқ амалии санъати усталарининг шаҳар кўрик-танловини ўтказиш, миллий спорт турлари бўйича касба уюшма спартакиадаида катнашиш каби тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Инсонга наф келтириш касба уюшмаларининг олий мақсади бўлиб, бу эзгу ниятни, савобли ишларни сидқидилдан баҳоли-қудрат амалга ошириш йўлида куч-ғайратимиз, меҳнатимизни асло аямаймиз.

«Ўзимкэфарм» масъулият чекланган жамиятида касба уюшмаси қўмитасининг фаолияти яхши йўлга қўйилган. Корхонада қўмитанинг саъй-ҳаракатлари билан китоб фондлари доимо янгилиниб туради, ишчи-хизматчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

СУРАТДА: кутубхоначи Римма Семеняк (ўнгда) ишчиларга керакли китобларни танлашга ёрдам бермоқда.



## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш Тошкент шаҳар касба уюшмалари Кенгаши фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Яқинда бўлиб ўтган пойтахт касба уюшмалари Кенгашининг раёсат мажлисида қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Маълумки, пойтахт касба уюшмалари Кенгаши Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ижтимоий соҳада ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар касба уюшмалари Кенгаши ўртасида ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида 2000-2002 йилларга қабул қилинган битимнинг ўтган йилдаги ижроси тўғрисида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Б. Хамидов маъруза қилиб, бу борада амалга оширилган ишлар ҳусусида тўхталиб ўтди.

Ушбу битим пойтахт касба уюшмалари Кенгашининг фаолиятида муҳим ўрин эгаллаб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги қатор масалаларни хал эҳтида катта аҳамият касб этмоқда. Мазкур юридик ҳужжатда томонларнинг алоҳида ва биргаликдаги мажбуриятлари аниқ-равшан ифодаланиб, уларнинг бажарилиши юзасидан назорат қатъиятлик билан илҳол равишда олиб борилаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Шаҳар ҳокимлиги томонидан 2001 йилда кам таъминланган 15,9 мингдан ортиқ оилаларга 276, 8 миллион сўм миқдоридида ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 236,6 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, яъни ўсиш суръати 4 фоизга кўпайди.

Бандлик хизмати идоралари ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш тополмай қўйналётган аёллар ва ёшларни ишга жойлаштириш бўйича квотали иш ўринларига 243 та корхонада 2207 нафар аёл ва 1341 нафар ёшлар жойлаштирилди.

Касба уюшмалари тасарруфидида санаторийлар, дам олиш уйлари ва пансионатларда 13600 нафар ишчи-хизматчилар соғлиқларини мустаҳкамлади. Санаторий-профилакторийлар хизматидан эса 32,7 минг нафар киши баҳраманд бўлиб, бунинг учун пойтахт касба уюшмалари ҳисобидан 1280

миллион сўм маблағ (шундан 85 миллион сўм 1200 нафар Оролбўйидан келган аёлларни соғломлаштиришга) сарфланди.

Ҳуқуқий, демократия давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда меҳнаткашларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши англаб етиши муҳим омил бўлиб, ҳуқуқий билимни оширишга шаҳар касба уюшмалари Кенгашида катта аҳамият беришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишини бажариш мақсадида Тошкент шаҳар касба уюшмалари Кенгаши тегишли тадбирларни ишлаб чиқди ва тармоқ шаҳар кўмиталарига ижро учун юборилди. Тармоқ кўмиталари томонидан шаҳардаги корхона ва муассасаларда Конституцияни ўрганиш бўйича ҳуқуқшунос олимлар таклиф этилган ҳолда 160 дан зиёд лекторийлар ташкил этилди.

Туманларнинг ҳокимликлари ва бошқармалари билан ҳамкорликда режа бўйича шаҳар касба уюшмаларининг ташкилий бирлигини мустаҳкамлаш, мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар шаҳар аҳолиси меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 2001 йил февраль ойида касба уюшма кўмиталари раисларининг мувофиқлаштирувчи кенгашлари барпо этилди. Ўтган йилнинг сентябрь ойидан эътиборан шаҳар касба уюшмалари Кенгаши туман ҳокимликлари негизида мувофиқлаштирувчи кенгашлар раислари ва уларнинг фаоллари билан семинар машғулотларини олиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ўзаро тенг ҳамкорлик асосида меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашдек хайрли аъёнанинг давом этаётганлиги қувонarli бўлиб, Тошкент шаҳри аҳолиси турмушининг янада фаровон бўлишига хизмат қилади.

Умид ФАРҲОДОВ

## ТАРМОҚ ТАШКИЛОТЛАРИДА Полвонлар беллашди

Меҳнат аҳлининг спорт билан шуғулланишини таъминлаш учун жисмоний тарбияни янада оммалаштиришга шаҳар касба уюшмалари Кенгашида алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Кизикарли спорт мусобақаларини ўтказиш хайрли аъёнага айланиб, тармоқ касба уюшмалари шаҳар кўмиталари тасарруфидидаги корхона, ташкилотларда ҳар хил спорт турлари бўйича мусобақалар уюштурувчи бўлиб ташкил этилмоқда.

Яқинда «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамиятининг спорт мажмуида металлургия ва машинасозлик сананоати ходимлари касба уюшмаси шаҳар кўмитаси пойтахт касба уюшмалари жисмоний тарбия спорт жамияти билан ҳамкорликда тармоқ касба уюшмалари шаҳар кўмиталари вакиллари иштирокчида кураш бўйича турнир ўтказди. 100 нафарга яқин иштирокчилар ўрта ёш гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун гиламда астойдил беллашдилар. Ёш гуруҳларидида ваэналр бўйича битта биринчи, иккита иккинчи, учта учинчи ўринларнинг ғолиблари ва совриндорлари аниқланди.

М.Алиев «Ғалабага бўлган иродаси учун», В.Белобров «Энг яхши техника учун» ва А.Шокиров «Энг кекса курашчи» махсус совриндорларни соҳиблари бўлдилар. Мазкур беллашувда самбо, дзюдо бўйича Ўзбекистоннинг уч карра мутлақ чемпиони, 13 мартаба ғолиби, белбоғли кураш бўйича бир неча бор республика чемпиони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муррабий Аъзамжон Шокиров ва самбо бўйича 24 мартаба Ўзбекистон чемпиони, фахрийлар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони Урол Жуманиёзов каби таниқли спортчиларнинг гиламга тушишлари, барчада, айниқса ёш спортчиларда шакл-шубҳасиз катта кизиктириш уйғотиб, мусобақага фойз бағишлади.

Курашни Ўзбекистонда янада оммалаштириш, тармоқ касба уюшмалари шаҳар кўмиталари ўртасида спорт алоқаларини мустаҳкамлаш, спортчиларнинг маҳоратини юксалтиришни мақсад ва вазифа деб белгиланган ушбу кизикарли турнир барчада яхши таассурот қолдирди.

Металлургия ва машинасозлик сананоати ходимлари касба уюшмаси шаҳар кўмитаси раиси Ш.Исроиллов ғолибларга дипломлар, эсдалик совғалари, совриндорларга эса турли даражадаги дипломлари тантанали вазиятда топшириб, уларга эзгу ниятларини билдирди.

(Ўз муҳбиримиз)

## АНЖУМАНЛАР

### Фойдали учрашув

Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида «Ногиронларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Ушбу анжуман ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти ва ногиронларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда ўтказилди.

Семинарда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, ногиронларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний қоғолатлаш каби масалалар тўғрисида қаратилди.

Шунингдек, семинарда катнашган ногиронларни қизқирган саволларга ва ҳозирги кундаги муаммолар тўғрисидаги масалаларга эътибор қаратилди. Бундан ташқари тадбирда ҳуқуқшунос-маслаҳатчи иштирок этиб уларни қизқирган саволларга жавоб берди.

— Бугунги семинарнинг ўтказишимиздан мақсад, — дейди ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг Собир Раҳимов туман бўлимининг раҳбари Юлдуз Мирзакаримова. — Ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишдан иборат. Уйлайманки, семинарда қўлгина муаммолар кўтарилди ва бу масалалар ўз навбатида ижобий ечимини топади.

Кизгин савол-жавоблар тарзида ўтган анжуман барчада яхши таассурот қолдирди.

Бахтиёр КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

## ТАДБИРКОРЛИК



## Янги изланишлар

Хонадонингизда мурғак гўдакнинг «инга»си янгради. Кўнглингиз завққа тўлади-ю дарҳол чақалоқ учун зарур нарсаларни харид қилишга ошиқасиз. Улар орасида, албатта болани йўриқлаш учун керакли ашёлар ва чақалоқ либослари ҳам бўлади.

Бугунги кунда ана шундай ашёларни тайёрлаб, уларни бахтли ота-оналарга тортиқ этаётган хусусий тадбиркорлар орасида Бектемир туманидаги «Иқбол» маҳалласида фаолият юритаётган Сабоҳон Хайдарова ҳам ўз шоғирлари билан биргаликда қувончли кунларга муносиб ҳисса қўшишмоқда. «Усто-шоғирда» асосида иш юритаётган ушбу жамоа бир неча йиллардан бунён фаолият кўрсатиб, эндигина дунёга келган чақалоқлар ҳамда 1 ёшдан 8 ёшгача бўлган болаларнинг учун маҳаллий хом ашёдан кийим-кечаклар тайёрлашади.

Чеварларимиз томонидан тикилаётган чақалоқлар учун тўпаллар ва кийим-кечакларни осон ювиладиган, болалар организми учун беҳим, ҳаво ўтказувчан ва майин чит ҳамда паҳмоқ тўларидан тайёрлаймиз, — дейди тадбиркор раҳбар, моҳир тикувчи Сабоҳон Хайдарова. — Шуниси қувонarliки йилдан-йилга маҳсулотларимизнинг харидорлари кўпайиб бормоқда. Бунинг энг асосий сабаби матоларнинг болажонларимизга мослаб чиройли безакларда чиқарилаётгани ва ана шунга кўра сифатли ва бежирим ти-

дона стаканли музқаймоқни мижозларимизга 40 сўм атрофида бермоқдамиз. Аммо улар гоҳида маҳсулотларимизга 100 фоизгача устама нарх қўйиб юборишмоқда. Бу эса ўз навбатида маҳсулотнинг туриб қолишига ва сифати пасайишига олиб келади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан зарурий чоралар қўрилса биз каби тадбиркорларнинг ишларида бир оз силжи бўлар эди.

Энди келгусидаги режаларимиз ҳусусида тўхталиб қолмас, биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар мавсумий ҳисобланади. Шу сабабдан киш фаврида бекор турмаслигимиз учун келажакда сўт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Бунинг учун эса ҳозирда барча асослар бор. Жумладан ишчи кучи, маблағ, цехларни қуриш учун махсус жойлар мавжуд. Албатта республикамизда ўнлаб бу каби маҳсулотлар тайёрловчи корхоналар бўлганлиги сабабли рақобат банд. Энди фақат сифатли ва жаҳон талабларига мос равишда ишлаб чиқарган маҳсулотгина ўз харидорини топади. Бу йўлда эса бор куч-ғайратимизни сарф этиб, нозик дидли мижозларимизнинг қалбига йўл топишга интиламиз.

Очил ХАЗРАТОВ

## САНОАТ ЎЗ ХАРИДОРЛАРИНИ ТОПМОҚДА

Бугунги кунда республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми ўрта ва кичик корхоналар зиммасига тушётганлиги қувонarli ҳолдир. Чунки импорт ўрнини босувчи бундай маҳсулотлар чет элликдан сира қолишмайди.

Шаҳримизнинг Бектемир туманида жойлашган «Норт-Стар» Ўзбекистон - Япония қўшма корхонасининг фаолият бошлангани ҳам хали кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлсада унинг сифатли ва хуштам музқаймоқларини кўпчилик севиб харид қилмоқда. Корхона 1999 йили олти турдаги ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш билан ўз фаолиятини бошлаган бўлса, ҳозирга келиб улар сони 13 тага етди. Шунингдек Россия, Хитой ва Германиядан келтирилган анжом ва ускуналар ўрнатилган ушбу корхонада 40 нафар ўз соҳасининг етуқ мутахассислари олдиларига қўйилган мақсадлари сари ҳормай-толмай меҳнат қилиб келишмоқда. Улар ўтган йили 22 миллион сўмдан ошқ маҳсулот ишлаб чиқариб, 9 миллион сўмдан зиёд соф фойда қўришди. Биз корхона фаолияти билан танишиш асосида шу нарсақнинг гувоҳи бўлдикки, бу

ерда барча юмушлар ўз ўрнида, режа асосида бажарилаётган экан. Бунга, албатта раҳбарнинг ишбилармонлиги тадбиркорлиги сабаб бўлса, иккинчидан ишчиларнинг ўз вазифаларига масъулиятли бўлишларига имкон яратилмоқда. Корхона цехларига қадам қўяр эканмиз у ердаги саранжом-сарийшталикни қўллаб-қувватлаш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Фақат энди бундан қандай фойдаланиш ва унинг имкониятларини тушуниб етишга кўп нарса бөглик, — дейди корхона раҳбари, Леонид Хан. — Биз ҳар доим илҳоби борица тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаб, нархини ҳамёнбон қилишга интиламиз. Масалан, ҳозирги кунда бир

«Гўзаллик уйи»да кенг турдаги маданий хизматлар малакали уста сартарош, космологлар томонидан амалга оширилади. Диккатта сазовор жойи шундаки, маскан кўпсонли аҳолига намунали хизмат кўрсатгани ҳолда қариялар учун 40 фоиз арзон нархлар жорий этган. Бундан қариялар мамнун бўлмоқдалар, албатта.

«Гўзаллик уйи»нинг директори Шоира Валиева кўрсатилаётган бундай саховатни Қарияларни кадрлаш йилига ўзимизнинг камтарона улшимиз деб изоҳламоқда.

Муқаддас ЮСУПОВА

## САХОВАТ Қадр қилган кам бўлмади

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш юмушлари яхши йўлга қўйилган.

Ҳуқуқимизнинг хусусий тадбиркорларга яратган қўлайликларидан фойдаланиб, кишилар ўз сарможалари ҳисобига замонавий дўкон, дорихона, гўзаллик салонларини бунёд этмоқдаларки, бу ўз навбатида туман аҳолиси талабини қондириб, турмуш даражасини оширмоқда.

Жумладан, туманининг Абдурахмонов кўчаси, Корасарой чорраҳасида жойлашган «Гўзаллик уйи» ҳам шундай қўлайликлар сарасига кириди.

«Гўзаллик уйи»нинг директори Шоира Валиева кўрсатилаётган бундай саховатни Қарияларни кадрлаш йилига ўзимизнинг камтарона улшимиз деб изоҳламоқда.

Муқаддас ЮСУПОВА

килаётгандир. Бу билан биз нафақат жажиларнинг ота-оналарини хурсанд этамиз, шу билан бирга «Соғлом авлод» дастурини амалга оширишда ўз ҳиссамизни қўшамиз. Шунга ҳам айтиш лозимки, маҳаллақиздаги қиз ва аёлларга ҳам бичиш-тиқиш сирларини ўргатиб, хунарли бўлишларида ёрдам бераймиз.

Сабоҳон опанинг асли касби муаллимлик. Ёш авлодга билим бериб чарчамаган устоз, нафақага чиққан ҳам тиниб-тинчимасди. Ёшлигидан илҳос қўйган чеварлик сирларини ёш қиз ва келинчаларга ўргатишга аҳд қилди. Натижа ёмон бўлмади. Ёшлар ҳам хунар ўрганишмоқда, ҳам уларнинг тиккан маҳсулотлари ҳамюртларимизга асқотмоқда. Республикаимизнинг барча вилоятларида, шунингдек, Туркменистон, Қозоғистон давлатларида ҳам ушбу маҳсулотларнинг харидорлари борлиги уларга илҳом бағишмоқда.

Албатта, изланиш ўз самарасини кўрсатмоқда. Сабоҳон Хайдарова айна дамда ўз хунари билан эл-юртга танилмоқда. У жорий йилда туманда ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танловида «Энг яхши хунарманд» номини олишга муваффақ бўлди. Бу янги маҳсулот турларини яратиш йўлидаги изланишларга қанот бўлди, десак асло ялғашмаймиз.

Шарифа ИЛЁСОВА  
СУРАТДА: моҳир чевар Сабоҳон Хайдарова ўз шоғирлари меҳнат маҳсулида муносиб ҳиссаси борлигидан фахрланади.

## МАҲАЛЛА Кўрик-танлов

Авал Шайхонтохур, Мирзо Улуғбек ва Акмал Икромов туманлари маҳаллалари фаоллари ва мактабларнинг билимдон ўқувчилари «Маҳаллада соғлом авлод» кўрик-танловининг туманлар миқёсидаги ғолиблари бўлишлари тўғрисида хабар бергандик.

Юнусобод туманидаги 273-мактабда «Оила — маҳалла — мактаб» концепцияси талабларини ҳаётга татбиқ этиш, ўқувчиларнинг маҳалла тарихини ўрганиш борасидаги фаоллигини кучайтириш, миллий удум ва аъёнларни болалар онига кўпроқ сингдириш мақсадида ташкил этилган кўрик-танловнинг Сергели, Миробод, Хамза, Чилонзор, Юнусобод ва Яқкасарой туманлари иштирокчидида беллашувлари бўлиб ўтди. Унда юқори синф ўқувчилари тўртта шарт бўйича ўзаро куч сиништириди.

Финалга чиққан энг кучли маҳаллалар ўртасида Юнусобод туманидаги 253-мактаб ва «Чоштепа» маҳалласи 119 балл тўплаб барчадан ўзиб кетди. Хамза туманидаги 156-мактаб ва Юнусов маҳалласи, Сергели туманидаги 8-мактаб ва Нарвўз маҳалласи кейинги ўринларни эгаллаб кўрик-танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олишди.

Танловда мактабларнинг юқори синф ўқувчилари билан бир қаторда шу ҳудуддаги маҳаллалар фаоллари, ибратли отахон ва онахонлар ҳам катнашишиб, саҳналарда болалар билан бирга роллар ижро этишди, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг етакчи мутахассиси Саида Абдурахмонова. — Ушбу кўрик-танлов оила, маҳалла ва мактаблар ўртасидаги алоқаларнинг янада мустаҳкамланиши, ёшларда ўз тугилиб ўсган гўшаларига ҳурматнинг ортиб боришида ўзига хос омил бўлади, албатта.

Шаҳар кўрик-танлови шу ой охирида Боғи Эрон номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди.

(Ўз муҳбиримиз)



Пойтахтимиздаги «Табон» хусусий корхонаси маҳсулотларининг харидорлари кундан кунга ортиб бормоқда.

СУРАТДА: қандолат цехи ишчилари Рамзидин Муҳаммадминов ва Дилфруз Абдурахмоновлар сифатли маҳсулот тайёрлашда муҳим ҳисса қўшишмоқда.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

